

12-30-2020

THE ROLE OF NATIONAL TRADITIONS AND HOLIDAYS IN YOUTH EDUCATION

Muzaffar Shodmonovich Botirov
Gulistan State University, muzaffarbotirov@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Botirov, Muzaffar Shodmonovich (2020) "THE ROLE OF NATIONAL TRADITIONS AND HOLIDAYS IN YOUTH EDUCATION," *Bulletin of Gulistan State University*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 16.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2020/iss4/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Ijtimoiy - iqtisodiy fanlar

УДК372.81

THE ROLE OF NATIONAL TRADITIONS AND HOLIDAYS IN YOUTH EDUCATION

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА БАЙРАМЛАРНИНГ РОЛИ

**РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ ТРАДИЦИЙ И ПРАЗДНИКОВ В ВОСПИТАНИИ
МОЛОДЕЖИ**

Ботиров Музаффар Шодмонович

Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри
Muzaffarbotirov 4.04@ gmail.com

Abstract. Every nation living on the territory of our Republic has its own culture, which represents the nationality. The degree of reflection of national identity in Uzbek families in behavior, personal qualities and family relations is a fact that does not require proof.

The deepening socio-economic and legal reforms in our country require new thinking, worldview, beliefs, ideology, as well as a qualitative study of the rich historical heritage, customs and traditions, holidays, in a word, national values.

Because civil society respects universal values. it is the Foundation of a free democratic legal society in which human rights and freedoms are guaranteed unconditionally, and human relations are based on deep spiritual and cultural values.

Keywords: independence, national values, traditions of social development, human dignity, traditions and rituals, national holidays, students and youth, spiritual heritage, philosophy of values, heritage, category.

Аннотация. У каждого народа, проживающего на территории нашей республики, есть своя культура, которая представляет национальность. Степень отражения национальной идентичности в узбекских семьях в поведении, личностных качествах и семейных отношениях - факт, не требующий доказательств.

Углубляющиеся социально-экономические и правовые реформы в нашей стране требуют нового мышления, мировоззрения, убеждений, идеологии, а также качественного изучения богатого исторического наследия, обычаев и традиций, праздников, словом, национальных ценностей.

Потому что гражданское общество - уважают общечеловеческие ценности. представляет собой основу свободного демократического правового общества, в котором права и свободы человека гарантированы безоговорочно, а человеческие отношения основаны на глубоких духовных и культурных ценностях.

Ключевые слова: независимость, национальные ценности, традиции общественного развития, человеческое достоинство, традиции и обряды, национальные праздники, студенты и молодежь, духовное наследие, философия ценностей, наследие, категория.

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантиришнинг устуворлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳозирги шароитда миллий урф-одатларни, миллий байрамларни, удумларни ва уларни ижтимоий асослари, шунингдек ўрни ва аҳамиятини ўрганиш янада долзарб масалалардан биридир.

Мустақиллик йилларида ҳар бир инсоннинг онги ва тафаккурида энг аввало, маънавий-маданий меросга ахлоқий муносабат ва бу муносабатнинг онгли даражада амалга оширилиши, қолаверса миллий урф-одат, анъана ва миллий байрамларимизнинг ҳам ёшларнинг ахлоқий тарбиясида алоҳида ўрни бўлиб, уларнинг ижтимоий онг шакллари ривожланишида, дунёқарашини кенгайтиришида зарур омиллардан ҳисобланади.

Мустақиллигимизни йигирма тўққиз йилдан ошиқ даври мобайнида мамлакатимиз ҳаётидаги ўзгаришлар бошқа даврлардан тубдан фарқ қилади. Бугунги кунда ёшларимизнинг онгу-тафаккурида миллий урф-одат, анъана ва миллий байрамларимизга оқилона ва одилона ёндашув муносабатини шакллантиришни талаб этади.

Демак, шу халқ фарзандиман деган ҳар бир шахснинг ҳозирги глобаллашув жараёнида доимо маънавий-маданий меросга ахлоқий муносабатда бўлиши ва ушбу жабҳада олиб борилаётган ишларга мустақил дунёқараш билан муносабат билдира олиши зарурдир.

Мавзунинг долзарблиги қуйидаги омиллар билан асосланади:

- миллий анъана ва байрамлар тушунчаси, унинг ахлоқий, ижтимоий-тарихий негизлари халқимизнинг миллий ўзлигини англашда ва кишилар тафаккурини ривожлантиришдаги ўрни;
- маданий меросга ахлоқий муносабатнинг шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари;
- миллий анъана ва байрамларнинг ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишдаги муносабати жараёнида умуминсонийлик тамойилларига эътибор;
- маданий меросга ахлоқий муносабатда миллийлик ва умуминсонийлик интеграцияси ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги кабилар.

Мақолада мустақиллик йилларида миллий анъаналар, урф-одат ва байрамларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, маънавий-маданий меросга ахлоқий муносабатнинг илмий-фалсафий таҳлили, анъаналар ва байрамларнинг ахлоқийлик жиҳатларини кенг қўламда очиб бериш, бу муносабатларнинг ёшлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳамда уларнинг муҳим хусусиятларини ўрганишни асосий мақсад қилиб олинди. Шунингдек:

-анъаналар, урф-одат ва байрамларнинг ахлоқий, ижтимоий-тарихий негизлари, халқимизнинг миллий ўзлигини англашда ва кишилар тафаккурини ривожлантиришдаги ўрнини таҳлил этиш;

-анъаналар, урф-одат ва байрамларда ахлоқий муносабатнинг шаклланишини ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш;

Тадқиқот объекти ва методлари

Мақолани объекти бўлиб қадимги даврдан то бугунги кунга қадар аجدодларимиз томонидан бизгача етиб келган анъаналар, урф-одат ва байрамлар олинди. Уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, ушбу масала юзасидан яратилган илмий-фалсафий асарлар, инсон ва маънавий-маданий мерос ўртасидаги муносабатларнинг тарихий-фалсафий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий даражалари ташкил этади.

Қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, тарихийлик, мантиқийлик, этик, эстетик, диалектик, методологик, кузатиш, синтез, анализ, статистик маълумотларни ўрганиш ва бошқа умумэтироф этилган методлардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Истиқлол бизга улкан имкониятлар ҳамда дунё ҳамжамиятидаги тенглик каби ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган ҳуқуқимизни қайтариб берди. Пировардида ўзлимизни англадик, миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланди [3].

Миллий қадриятлар халқнинг энг яхши анъаналари, байрамлар, одатлари, ахлоқий қоидаларини ўзида мужасамлаштириши, сақлаши ва ривожлантириши билан ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Конституциямизда “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади” [1]-деб белгиланган.

Республикамиз ҳудудида яшовчи ҳар бир миллатнинг ўзига хос маданияти мавжуд бўлиб, бу маданият миллийликни ифодалайди. Ўзбек оилаларда миллий ўзига хосликнинг хулқ—атворда, шахс сифатларида ва оилавий муносабатларда қанчалик акс этиши, исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир.

Миллий қадриятлар ҳақида сўз борганда миллий байрамларни, анъанавий байрамларни жамият ва инсон ҳаётида ўрни, улғайиб келаётган ёш авлодни тарбиялашдаги роли алоҳида аҳамиятга молик масала эканлигини ёдда тутмоғимиз лозим.

Энг қадимги даврлардан урф-одат, анъана ва байрамлар инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган [7]. Зеро уларсиз инсоният ҳаётини мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Байрамлар **халқ** ҳаётининг энг яхши ва гўзал томонларини акс эттирувчи кўзгудир. «Байрам халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир», — деган эди Шарқнинг буюк олими Махмуд Қошғарий. Дарҳақиқат, миллий анъаналар, байрамлар туфайли шодиёналар, тантанали воқеалар, муҳим саналар, улкан ютуқлар нишонланади. Байрам босиб ўтилган йилни чуқур англаш, қўлга киритилган ғалабалардан руҳланиш, эртанги кунга ишонч билан қарашга ёрдам беради.

“Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, маданий мероси, юксак маънавий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни республикамизда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига синдириб, айниқса, ёш авлодни маънавий етук, фидоий комил инсонлар этиб тарбиялаш ҳозирги кундаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади” [5].

Байрамларни нишонламайдиган шахс, оила ёки жамоани топиш қийин. Ҳар бир миллат ва давлатнинг ҳам ўз байрамлари бўлади. Кейинги даврларда халқаро даражада нишонланадиган умуминсоний байрамлар тобора кўпаймоқда.

Ўрта Осиё халқлари жумладан, ўзбекларнинг ҳам энг қадимий даврлардан шакллана бошлаган, авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб, бебаҳо меросга айланган анъана ва удумлари кўп.

Азалдан меҳмондўст саналган ўзбек халқининг миллий удумлари, байрамлари бошқа эллар билан тарихий-маданий алоқалар жараёнида ривож топган ва бевосита уларнинг байрамларига таъсир этган ҳамда улар таъсирида бойиган.

Мустақиллик шарофати билан одат, маросим ва байрамлар илдиз тарихи, уларнинг халқимиз маданий ҳаётидаги ўрни ўрганила бошланди, қадриятларимиз улуғланди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди”[1]-деган тартиб-қоида мамлакатимизнинг асосий қонунида муҳрланган.

Қадимги ва ҳозирги одат, маросим, байрамларнинг пайдо бўлиши, тарихий ривожланиши, муаммолари ҳақида махсус манография, илмий — оммабоп китоб, дарслик ва ўқув қўлланмалар нашр этилмоқда. Чунки халқ ўз Ватанида пайдо бўлган миллий урф одатларини, анъаналарини, аждодлари қолдирган бой меросни мукамал билишлари лозим.

Бундан ташқари жамиятни янгиланишида ва ёшлар дунёқарашини шаклланишида ҳаёт тажрибасидан ўтган миллий қадриятларимизнинг маънавий рухий тарбия жараёнида муҳим атрибутга айланишини ҳам эътиборга олиш зарурдир.

Ўзбек халқи мустақилликка эришгач, аввало ўзининг маданий анъаналарини ва урф одатларига, миллий қадриятларига, ўз динига, улуғ аждодларимиз ҳокини зиёрат қилиш, унинг тарихда маданий, маънавий, илмий ва иқтисодий ютуқлари ҳақида ҳар қандай ўзбек фарзанди жўшиб гапиришга тўла имкон яратилган. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, мустақилликдан сўнг миллий қадриятларимизга, анъаналаримизга катта эътибор берила бошланди. Харобага

айланган обидалар, зиёратгоҳлар қайта тикланди, шу билан бирга ўзбек олимларининг куч — ғайратлари билан тарихимизнинг муҳим соҳалари янгидан кашф қилинди.

Қонун билан қафолатланган миллий қадриятларимиз халқ манфаатлари, маънавиятимиз ва миллий манфаатимизга хизмат қилади. Зеро, халқ турмуш тарзи ва маънавиятининг таркибий қисмини унинг азалий урф-одатлари, маросимлари ва байрамлари ташкил этади. Шунингдек, миллий урф-одатлар шахс хулқини тартибга солишга ҳам хизмат қилади.

Халқ оммаси миллий урф-одат, миллий байрамларимизнинг асосий ижодкори бўлиб, уни авлоддан авлодга мерос қилиб қолдиради, унинг ривожланишига асло давомида ҳисса қўшади.

Бугунги кунда ёшлардаги умуминсоний ва миллий қадриятлар, миллий байрамларимизга бўлган эътиборини янада юксалтириш юзасидан олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бирини ташкил этмоқда.

Ёшлар тафаккуридаги илму маърифатни миллий қадриятларимиз орқали юртга, халққа муҳаббат туйғуси билан тўлдиришимиз лозим.

Бугунги ёшларимизнинг дунёқараши ва қизиқишлари аввалги ёшларникидан фарқ қилади. Демак уларнинг қизиқиши ва талабларини ҳисобга олган ҳолда тарбия, билим беришнинг ноанъанавий усуллари ва янги педогогик технология билан биргаликда миллий анъана ва урф-одатлар, байрамларимиз акс этган миллий қадриятларимиздан самарали фойдаланиш бугунги кун талабидир.

Қадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Миллий қадриятларимиз, она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, шарм-ҳаё, инсоф, диёнат қабиларнинг устуворлиги билан характерлидир. Миллий қадриятлар билан ахлоқий қадриятлар, байрамлар, анъаналар, урф-одатлар маросимларда намоён бўлади.

Бу борада халқ педогогикасининг анъалари муҳим аҳамият касб этади. Бу анъалар узок вақт давомида ривожланиб, фалсафий тафаккурда умумлашиб, ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари шаклига кирган. Улар ёзма ёдгорликларда, Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқаларнинг асарларида ҳам ўз аксини топган. Уларда таълим тарбиянинг назарий ва амалий масалалари билан боғлиқ кўпгина муҳим муаммолар илгари сурилган. Булар ҳозирги кунимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган тарбиявий омиллардир.

Энг қадимги даврлардан байрамлар инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Зеро уларсиз инсоният ҳаётини мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Байрамлар халқ ҳаётининг энг яхши ва гўзал томонларини акс эттирувчи кўзгудир [6].

Халқ байрамларининг ахлоқий-тарбиявий томонларига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки халқ байрамлари қадимий ва исломий одатлар чатишиб кетиб, улар одамлар ўртасида меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, қадр-қиммат, мурувват каби инсоний фазилатларнинг раванқ топишига катта хизмат қилади. Байрамларнинг мазмунига инсонийлик, олижаноблик, саҳийлик, раҳмдиллик, меҳр-мурувватлилиқ каби ғоялар сингиб кетган.

Қадимдан бизгача етиб келган манбаларда, жумладан диний манбаларда кўплаб урф — одат, анъана, маросим ва байрамлар ҳақида сўз юритилади. Биз уларни тарихий, адабий манбаларда, зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да, барча ислом динига эътиқод қилувчилар учун мудардас ҳисобланган Қурони Каримда, Хадисларда, «Темур тузуклари»да кўришимиз мумкин [8].

Миллий урф-одатларимизга кўра болаларни фақат ота-онагина эмас, балки қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилари, маҳала-қуй ҳам тарбиялайди, деган гап бор. Ёшларнинг ахлоқий қиёфаси шаклланишига ҳамма даврда ҳам атроф-муҳит катта таъсир кўрсатиб келган, Кўп болали оилаларда, айниқса қишлоқ жойларида, болалар ҳалол меҳнат қилишга, укаларини тарбиялашга, ота-онасига, кўни-қўшнига ёрдам беришга ёшлигиданоқ одатланганлар. Каттадир, кичикдир учрашганда бир-бирларига салом бериб, хол-ахвол сўраши ҳам юксак ахлоқий фазилатдир. Буни — қўшнилари уйида бирор—бир маросим бўлганида ёшларнинг

ўзлари чиқиб қўмаклашиши ҳам миллий тарбия натижасидир. Қизлар ибo, андиша, камтарлик, шарму-ҳаё, иффат, ор номус нима эканини китоблардан ўқиб эмас, балки биринчи навбатда ота-онадан, қўни-қўшнидан ўрганганлар.

Таълим, тарбия ишларида Муҳаммад пайғамбарнинг ҳадисларидан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Ҳадислар инсон маънавий камолотининг асоси бўлган, ахлоқ-одоб тарбиясининг барча муаммоларини ўз ичига олган, Умуман олганда ҳадислар ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукамал тўпламидир. Ҳадисларни ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, халоллик ва поклик, иймон ва виждон билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам муҳим масала эътибордан четда қолмаганини кўраимиз.

Улардаги ахлоқ ва одоб мезонлари ҳақидаги фикрлар шарқ халқларининг асрлар давомида шаклланган, кишининг онгига чуқур, сингиб, фаолиятига асос бўлган анъаналарнинг мантиқий хулосасидир. Ахлоқ—одоб тўғрисидаги халқ мақолаларини, ўтмишдаги буюк алломаларимизнинг ибратли сўзлари, таълим-тарбия ҳақидаги қарашларини, ҳадислар ва шарий ҳуқуқлар мазмунини яхши ўрганиб чиққан кишиларда бунга ҳеч қандай шубҳа қолмайди, Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маданий меросидан, ахлоқ, одоб, тарбия борасидаги анъаналаридан қанчалик самарали фойдалансак, миллий мустақиллигимизнинг чинаккам фидойиси бўлган ёшларни тарбиялаш борасида шунчалик сезирарли ютуқларга эришамиз. Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим [3].

Жамият тараққиёти учун аҳолининг сони эмас, балки сифати муҳимдир. Сифатнинг бош мезони юксак маънавиятдир. Унинг замирида айнан миллий урф-одатлар, анъана ва удумлар ётади.

Халқ оммаси маданиятимизни асосий ижодкори бўлиб, уни авлоддан авлодга мерос қилиб қолдиради, унинг ривожланишига асрлар давомида ҳисса қўшади. халқимизнинг миллий маданияти, анъана ва урф-одатлари баркамол авлодни ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий дунёқарашларини шаклланишида катта роль ўйнайди.

Ёшларни тарбиялашда миллий қадриятларнинг ўрни катта. Миллий қадриятларимизнинг кудратли кучи шундаки, у диний, ахлоқ-одоб қоидалари билан чамбарчас боғланиб, жамоатчилик фикри асосида одамлар хатти- ҳаракатларини баҳолаб боради.

Ижтимоий—тарбиявий характерли миллий спорт ва мусобақалар, жисмоний машғулотлар ва ўйинлар ўзбекларда қадимий даврлардан ривожланиб келган. Ёшларни жасурлик, эпчиллик, шаддодлик, мардонаворлик руҳида тарбиялашга қаратилган турли ўйинлар мавжуд бўлган. Болалар ўйинларида асосан, маҳаллий аҳолининг касб-хунари ва машғулотлари ўз ифодасини топган. Шунинг учун болаларнинг ўйинчоқларида уй -рўзгор буюмлари, қишлоқ хўжалиги асбоблари, идиш-товоқлар, аравача, белкурак кабилар номоён бўлган. Қиш пайтлари яхмалак ва қор ўйинлари, ёзда от миниш ва улоқ, баҳор ва кузда қозик, варрак, ёғоч-дарахтларга осилган арғумчоқ учиш кабилар ўспиринларнинг сеvimли ўйинларидан. Ўғил болалар орасида латтадан тикилган тўп ўйини, даста ўйин ёки чиллик ўйинлари билан ҳам вақт ўтказган. Афсуски, бундай халқ ўйинларининг кўпчилиги унутилиб кетган.

Қадриятлар, урф—одатлар, миллий байрамларнинг ёшлар тарбиясидаги, кундалик ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти қай даражада эканлигини ўқув қўлланмаларда, оммавий ахборот воситаларида берилаётган маълумотларда кўришимиз мумкин.

Хулосалар

Маънавияти юксак ёшлар мамлакат истиқболининг, келажагининг асосий пойдевори бўлиб, жамиятнинг барча соҳаларида муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ўз халқининг маънавий меросини,

миллий кадриятини, тарихини, илм-фан ва замонавий техникани мукаммал эгаллаган, жисмонан соғлом баркамол авлодни тарбиялашдан иборат [4].

Шахсининг хулқ-атворлари ўзгариши оқибатида шаклланадиган адаптив сифатлар аслида мазмун ва моҳиятан миллий анъаналар ва удумларнинг энг кадрли маънавий фазилатлари захирасини ташкил этади, бойитади. Ўзбек миллий урф-одатлари, анъаналари, миллий байрамлар ва кадриятларининг энг нодир дурдоналари ўқув тарбия жараёнига киритилса, улар ушбу жараёнлардаги барча маънавий маърифий тадбирларга асос қилиб олинса, шахс маънавиятида, унинг дунёқараши, хулқ-атворида ижобий хислатларнинг шаклланишига имкон яратади.

Ўзбек оилаларда миллий ўзига хосликнинг хулқ-атворда, шахс сифатларида ва оилавий муносабатларда қанчалик акс этиши, исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир [5].

Ёшлар маънавиятини шакиллантириш, уларда миллий урф-одатларга содиқлик руҳини кучайтириш ва ривожлантириш муаммоларини ижтимоий-фалсафий таҳлил этишининг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, миллий урф-одатлар, анъаналар, миллий байрамларнинг мустақиллик туфайли қайта тикланиши ва уларни ривожлантиришга бўлган эътиборни кучайтирилганлиги, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда удум, урф-одат ва анъаналарнинг аҳамиятини назарий, ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш, ҳамда миллий урф—одатларнинг назарий асосларини шакллантириш масалаларини ёритишни талаб этади.

Иккинчидан, жамиятнинг келгуси тараққиёти, мамлакат тақдири, халқ келажаги бутун ўқув юртларда таълим олаётган ёшларнинг маънавиятига, эгаллаган ҳуқуқий билимига, тарихий-маданий урф - одатлар ва миллий байрамларимизни келажак авлодларга етказиш ва бунинг учун масъулиятни ўз зиммаларига олишига боғлиқ. Чунки бугунги кун ёшлари эртага қайсидир соҳани, жамият ва давлат ишларни бошқаради, миллий қадриятларни келгуси авлодларга етказди.

Ўзбек халқига мос миллий урф-одатлар, анъаналар, удумлар ва кадриятларни ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини ўрганиш қуйидаги вазифаларнинг бажарилишини тақозо этади:

- кишилик жамиятининг тарихий тараққиёти жараёнида миллий урф —одатлар, анъаналар, удумлар ва уларнинг шакилланиб бориши ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;
- миллий урф — одатлар ва миллий байрамларнинг тарихий ва адабий манбаларда ифодаланиши, уларнинг ижтимоий-фалсафий асосларини илмий таҳлил қилиш;
- миллий урф — одат, анъана ва байрамларнинг халқ турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётида тутган ўрнини, бугунги кун ёшлари маънавиятининг шакилланишига таъсир қилувчи ижтимоий - педагогик воситалар ва технологиялардан самарали фойдаланиш йуллари орқали кўрсатиб беришдан иборат.

Миллий урф-одатлар, анъана ва байрамлар шахс хулқини тартибга солишга хизмат қилади. Ёшларимиз тафаккуридаги илму маърифатни миллий кадриятларимиз орқали юртга, халққа муҳаббат туйғуси билан тўлдириш барчамизнинг долзарб вазифамиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 30 сентябрь 2020 г.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13- йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи. «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмади» 13. Т: Ўзбекистон, 2005. 7 - бет
4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. — Т., Ўзбекистон, 1998.
5. Туленов Ж. Кадриятлар фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 6 - бет.
6. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. -Т.: “Шарқ”, 2002. - 3-6-бетлар.

7. Усмон Ҳосил (Усмон Қорабоев). Одатнома. –Т.: Ўзбекистон, 2016.- 8-бет.
8. Маҳмудова Г. Авестонинг фалсафий моҳияти. -Т., 2015.

References

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent, 2018.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning O'qituvchi va murabbiylar kuniga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasi. 30 sent. 2020 g.
3. Karimov I.A. O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 13 — yilligiga bag'ishlangan tantanali ma'rosimdagi so'zi. «O'zbek xalqi xech qachon xech kimdan kam bulmaydi» 13-j. T: O'zbekiston, 2005.- 7 - bet
4. Karimov I.A. Ma'naviy yuksalish yo'lida. — T., O'zbekiston, 1998.
5. Tulenov J. Qadriyatlar falsafasi. -T.: O'zbekiston, 1998. - 6 - bet.
6. Qoraboev U. O'zbek xalqi bayramlari. -T.: “Sharq”, 2002. - 3-6-betlar.
7. Usmon Hosil (Usmon Qoraboev). Odatnoma. –Т.: O'zbekiston, 2016.- 8-бет.
8. Mahmudova G. Avestoning falsafiy mohiyati. -Т., 2015.